

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/04.06.2021.Fil.72.03 РАҚАМЛИ ИЛМЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ГАДОЕВА МАВЛЮДА ИБРАГИМОВНА

ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА СОМАТИЗМЛАРНИНГ
СЕМАНТИК-ПРАГМАТИК ТАДҚИҚИ (ФОЛЬКЛОРНИНГ КИЧИК
ЖАНРЛАРИ МИСОЛИДА)

10.00.06 – Қисий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва таржимашунослик

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

УДК: 811.111`28+81`373.+811.161.1

Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc) по филологическим наукам

The contents of the dissertation abstract for a Doctor of Science (DSc) in Philology

Гадоева Мавлюда Ибрагимовна

Инглиз ва ўзбек тилларида соматизмларнинг семантик-прагматик тадқиқи
(фольклорнинг кичик жанрлари мисолида) 3

Гадоева Мавлюда Ибрагимовна

Семантико-прагматическое исследование соматизмов в английском и
узбекском языках (на примере малых жанров фольклора) 25

Gadoeva Mavlyuda Ibragimovna

Semantic-pragmatic study of somatizms in the English and Uzbek languages (on
the examples of small genres of folklore)..... 49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 54

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/04.06.2021.Fil.72.03 РАҚАМЛИ ИЛМЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ГАДОЕВА МАВЛЮДА ИБРАГИМОВНА

ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА СОМАТИЗМЛАРНИНГ
СЕМАНТИК-ПРАГМАТИК ТАДҚИҚИ (ФОЛЬКЛОРНИНГ КИЧИК
ЖАНРЛАРИ МИСОЛИДА)

10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва таржимашунослик

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.4.DSc/Fil.294 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.buxdu.uz) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Ўраева Дармон Саидахмедовна**
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Ахмедов Ойбек Сапорбаевич**
филология фанлари доктори (DSc), профессор
Жуманазарова Гулжаҳон Умирзаковна
филология фанлари доктори (DSc), профессор
Ҳошимова Дилдора Мадаминовна
филология фанлари доктори (DSc), доцент

Етакчи ташкилот: **Самарқанд давлат университети**

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат университети ҳузуридаги DSc.03/04.06.2021.Fil.72.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил “___” “_____” соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (0 365) 221-29-14; факс: (0 365) 221-57-27; e-mail: buxdu_rektor@buxdu.uz.

Диссертация билан Бухоро давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (0 365) 221-25-87.

Диссертация автореферати 2022 йил “___” _____ куни тарқатилди.
(2022 йил “___” _____ даги ___ - рақамли реестр баённомаси).

М.Қ.Бақоева
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси ўринбосари, филол. ф. д., доцент

З.И. Расулов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, филол. ф. н., доцент

М.М. Жўраева
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида инсон тана аъзоларини ифодаловчи соматизмларнинг келиб чиқиши, лексик-семантик, когнитив-прагматик, стилистик хусусиятлари тўғрисидаги тадқиқотлар қадимдан то ҳозирга қатор тилшуносларни қизиқтириб келганлиги кузатилади. Уларнинг нутқда воқеланиш жараёнидаги денотатив ва коннотатив маънолари, лингвостилистик, концептуал хусусиятлари, диахрон ҳамда синхрон кўринишларини семантик-прагматик жиҳатдан чоғиштириб ўрганиш ҳар бир тилда соматизмлар миллий тил соҳибларининг маданий ҳаёти, турмуш тарзи, эътиқодий қарашлари, психологияси билан узвий боғлиқликда шаклланиб, ривожланиб борганлигини асослашда муҳим аҳамият касб этади.

Дунё тилшунослигида соматизмлар алоҳида лексик-семантик гуруҳ сифатида тан олиниб, уларнинг структур-семантик ҳамда коммуникатив-прагматик жиҳатлари, нутқда воқеланиш механизмлари, уларнинг транслотологик хоссалари кенг кўламли тадқиқотларда ёритилган. Шу асосда инглиз ва ўзбек тилларида ҳам соматизмларнинг миллий-маданий, гендер, стилистик-функционал, когнитив-прагматик, денотатив ва коннотатив хусусиятларини белгилаш, фольклорга алоқадор мақол, топишмоқ, олқиш, қарғиш каби кичик жанрлар таркибида типологик, дифференциал, концептуал талқинини лингвокультурология, идеостилистика доирасида амалга ошириш каби устувор вазифалар қиёсий фольклоршунослик, чоғиштира тилшунослик, таржимашуносликнинг илмий-амалий асосларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади, тил ва нутқ, халқ тили ва адабий тил, бир тилдан бошқа тилга соматизмларни ўгириш тамойилларини аниқлаш имконини беради.

Мамлакатимизда кечаётган жадал ислохотларнинг ҳозирги босқичида “Ҳар биримиз давлат тилига бўлган эътиборни мустақилликка бўлган эътибор деб, давлат тилига эҳтиром ва садоқатни она Ватанга эҳтиром ва садоқат деб билишимиз, шундай қарашни ҳаётимиз қоидасига айлантиришимиз лозим”¹. Шунда ўзи мансуб халқнинг маданиятидан дарак берувчи соматизмларни ҳам эстетик ҳодиса, лингвопоэтик, лингвомаданий вербаллашуви нуқтаи назаридан махсус илмий ўрганишнинг устуворлиги уларнинг тил ва нутқдаги ўзига хос хусусиятларини аниқлаш асосида назариясини яратиш лозимлигини белгилайди; бу билан тил, маданият, шахснинг ўзаро муносабатларини антропологик жиҳатдан ўрганиш, тилшунослик фанида тилнинг миллий-маданий ўзига хослигини англаш, таржимашуносликда эса соматизмлар таржимаси билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишга кенг йўл очилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сонли “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини

¹ Мирзиёев Ш.Ш. Миллий ўзлимиз ва мустақил давлатчилигимиз тимсоли. Президент Шавкат Мирзиёевнинг ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг ўттиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи / Халқ сўзи. – Тошкент, 2019, 22 октябрь. – № 218 (7448). – Б.1.

тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони, 2006 йил 25 августдаги ПҚ-451-сонли “Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги, 2021 йил 19 майдаги ПҚ-5117-сонли “Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 августдаги 610-сонли “Таълим муассасаларида чет тилларини ўқитишнинг сифатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг: I. Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тузумини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўли” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи². Соматизмларни ўрганишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, University of California, University of Harvard, Indiana University of Bloomington (АҚШ); Universität Bonn (Германия); University of Oslo (Норвегия); University of Vienna (Австрия); Москва давлат университети, Санкт-Петербург давлат университети, Воронеж давлат университети, Қозон давлат университети (РФ); Vilniaus Universitetas (Литва); Київський національний університет (Украина); Baki Dövlət universiteti (Озарбайжон); Қозоқ миллий университети (Қозоғистон); шунингдек, ЎзР Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти, Бухоро давлат университети (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Дунё тилшунослигида соматизмларнинг тилда шаклланиш тарихи ва нутқда воқеланишига доир муҳим хулосалар чиқарилган (Universität Bonn, Germany; Harvard University, USA); унинг мақол, топишмоқ, хусусан, иборалар таркибида услубий қўлланилиши, матндаги вазифалари очиб берилган (University of California; Indian University of Bloomington, USA); Москва давлат университети, Санкт-Петербург давлат университети, Воронеж давлат университети, Қозон давлат университети, (РФ); Київський національний університет, Украина; Қозоқ миллий университети, (Қозоғистон); Baki Dövlət Universiteti (Озарбайжон); бадиий имкониятлари асосланган (ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти).

² Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий адабиётлар шарҳи <https://www.publishersweekly.com/pw/by-topic/industry-news/tip-sheet/article/>; <https://warwick.ac.uk/fac/arts/english/currentstudents/undergraduate/modules/fulllist/special/>; <https://cyberleninka.ru/article/n/problemny-razvitiya-i> ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон тилшунослигида соматизмларнинг семантик-прагматик тадқиқи масаласи Ф.Вакк³, Л.М.Готовцева⁴, А.М.Кочеваткин⁵, А.В.Прожилов⁶, соматизм таркибли ибораларнинг турли тиллар кесимидаги қиёсий тадқиқи Тимеа Чэтэ⁷, Ф.И.Даутова⁸, Н.И.Якимова⁹, Д.А. Широков¹⁰, З.Г.Абубакирова¹¹, И.У.Аджијева¹², Blažić Klara¹³, А.С.Лиджиева¹⁴, Э.С.Гасанова¹⁵ каби тадқиқотчиларнинг илмий ишларида кузатилади.

Соматизмларнинг семантик-прагматик тадқиқига хос хусусиятлар, янгилиниш ва ўзгаришлар инглиз тилшунослигида А.В.Гандалоева¹⁶, В. В. Подгорная¹⁷, Г. Цзиншэнь¹⁸, Б.С. Ходжумян¹⁹, А.Ю.Мусалова²⁰, М.И.Вершинина²¹, В.Е.Храброва²², В.Г.Жила²³, Р.Ю.Мугу²⁴, В.В. Шарманов²⁵ каби олимларнинг тадқиқотларида текширилган.

³ Вакк Ф.О. О соматической фразеологии эстонского языка // Вопросы фразеологии и составления фразеологических словарей. – Баку, 1968. – 23 с.

⁴ Готовцева Л.М. Фразеологические единицы с соматическим компонентом языка саха как объект сопоставительного изучения: Дисс... канд. филол. наук. – Иркутск, 1999. – 174 с.

⁵ Кочеваткин А.М. Соматическая лексика в диалектах эрзянского языка: Дисс... канд. филол. наук. – Саранск, 1999. – 318 с.

⁶ Прожилов А.В. Соматические состояния человека и их языковая онтология в современном немецком языке: Дисс... канд. филол. наук. – Иркутск, 1999. – 208 с.

⁷ Тимеа Чэтэ. Соматические фразеологизмы в русском и венгерском языках: Дисс... канд. филол. наук. – М., 1999. – 131 с.

⁸ Даутова Ф.И. Фразеологические единицы с компонентами “баш” и “голова” в кумыкском и русском языках: Дисс... канд. филол. наук. – Махачкала, 2014. – 153 с.

⁹ Якимова Н.И. Соматические фразеологические единицы чувашского языка: опыт сравнительно-сопоставительного исследования с татарским, башкирским, турецким языками. Дисс... канд. филол. наук. – Чебоксари, 2007. – 269 с.

¹⁰ Широков Д.А. Соматизм “голова” в русском и английском языках: сравнительный аспект. Лесосибирск 2016. – 40 с.

¹¹ Абубакирова З.Г. Соматическая лексика в фразеологии башкирского языка (лингвокультурологический аспект) Диссертация на соискание ученой степени кандидата филологических наук. – Уфа, 2017. – 186 с.

¹² Аджиева И.У. Соматические фразеологические единицы чеченского и русского языков в сопоставительном аспекте: Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Махачкала, 2013. – 25 с.

¹³ Blažić Klara. Когнитивная мотивированность фразеологизмов с компонентом глаз / око в русском и хорватском языках. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Zagreb, 13. Rujan, 2017. – 23 с.

¹⁴ Лиджиева А.С. Семантика соматизмов в составе фразеологизмов (на материале калмыцкого языка и языка ойратов Китая) Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Москва, 2021. – 34 с.

¹⁵ Гасанова Э.С. Соматические фразеологические единицы с компонентами «голова» и «сердце» в азербайджанском и русском языках: Дисс. ... канд. филол. наук. – Махачкала, 2018. – 156 с.

¹⁶ Гандалоева А.В. Фразеологические единицы с компонентами “голова” и “сердце” в ингушском языке в сопоставлении с английским: Дисс... канд. филол. наук. – Махачкала, 2013. – 233 с.

¹⁷ Подгорная В. В. «Наивная анатомия» в английской языковой картине мира. Диссертация на соискание ученой степени кандидата филологических наук. – Санкт-Петербург, 2016, – 226 с.

¹⁸ Цзиншэнь Г. Структурно-семантические особенности фразеологических единиц с соматическим компонентом “голова” на материале китайского и английского языков: Дисс... канд. филол. наук. – Белгород, 2017. – 193 с.

¹⁹ Ходжумян Б.С. Соматические фразеологизмы. Диссертация на соискание ученой степени кандидата филологических наук. – Ереван, 2019. – 372 с.

²⁰ Мусалова А.Ю. Соматические фразеологические единицы в ногайском языке в сопоставлении с английским. Дисс.. канд. филол. наук. – Махачкала, 2015. – 186 с.

²¹ Вершинина М.И. Идиоматическая фразеология в английском языке делового общения: лексикологический, лексикографический и функциональный аспекты. Диссертация на соискание ученой степени кандидата филологических наук. – Москва, 2016. – 249 с.

²² Храброва В.Е. Английские и немецкие фразеологические единицы с соматическим компонентом кулак в свете лингвистики и национально-культурной специфики. Вестник Томского государственного университета. – Томск, 2019. № 440. С. 16–26. DOI: 10.17223/15617793/440/5.

Ўзбек тилшунослигида Ш.Р. Усмонова²⁶, М.А.Темирова²⁷, Д.С.Турдалиева²⁸, Б.М.Жўраева²⁹, Ф.Х.Эшбаева³⁰, Ш.Абдуллаев³¹, О.С.Ахмедов³², У.М.Рашидова³³ каби олимларнинг тадқиқотларида ўрганилган. Таржимашунослик соҳасида бажарилган ишлар Р.Файзуллаева³⁴, Б.Шамсиева³⁵, Х.Рўзимбоев³⁶, М.Жўраева³⁷, Ҳ.Юсупова³⁸, У.Йўлдошев³⁹, Р.Касимова⁴⁰, О.Файзуллаев⁴¹ каби тадқиқотчиларнинг илмий ишлари алоҳида эътиборни тортади.

Бироқ, ҳозиргача инглиз ва ўзбек тилларида соматизмларнинг фольклор жанрлари мисолида семантик-прагматик тадқиқи муаммоси етарлича ёритилмаган.

Соматизмлар бевосита инсонга хос тана аъзоларининг номларини ўзида ифодалаб келиши сабабли лингвокогнитив жиҳатдан “антропоцентризм” йўналиши тамойиллари асосида ўрганилиши тўғри бўлади. Жумладан, халқ

²³ Жила В.Г. Описание и систематизация соматической лексики в корейском языке (на примере фразеологизмов) Кореестудия Казахстана выпуск 3. КНУ имени Тараса Шевченко, – Киев, Украина, 2015. – Б.17-26.

²⁴ Мугу Р.Ю. Полисемантизм соматической лексики: на материале русского и немецкого языков: Дисс... канд. филол. наук. – Майкоп, 2003. – 174 с.

²⁵ Шарманов В.В. Соматизм как компонент фразеологической единицы русского и немецкого языков. 7universum.com. Universum: Филология и искусствознание. – Россия. Г.Озерск. – С 5.

²⁶ Усмонова Ш.Р. Ўзбек ва турк тилларида соматик иборалар: Филол. фан. номз.дисс.– Тошкент,1998–162 б.

²⁷ Темирова М.А. Ўзбек ва қирғиз тил типологияси. Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). дисс... автореф. – Тошкент, 2018. –52 с.

²⁸ Турдалиева Д.С. Ўзбек халқ ининг лингвопоэтик хусусиятлари. Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). дисс... автореф. – Қарши, 2019. –49 с.

²⁹ Жўраева Б.М. Мақолларнинг лисоний мавқеи ва маъновий-услубий қўлланилиши. Филол.фанлари номзоди диссертацияси автореферати. – Самарқанд. 2002. –23 б.

³⁰ Эшбаева Ф.Х. Ўзбек халқ қарғишларининг жанр хусусиятлари ва бадиияти. Филол.фан.номз. дисс... автореф. –Тошкент, 2008. – 26 б.

³¹ Абдуллаев Ш. Ўзбек ва қорақалпоқ тилларидаги “бош қотирмоқ” ибораси ҳақида. – Тил ва адабиёт таълими. – Тошкент, 2005, № 1. – Б.80-82.

³² Ахмедов О.С. Инглиз тили иқтисодий терминологиясида соматик ва зоономик компонентли терминларнинг таржимадаги лексик-семантик хусусиятлари. Қиёсий тилшунослик. ”Ўзбекистон хорижий тиллар” илмий методик электрон журнал. – Тошкент, 2018. №4(23). – Б.135-142.

³³ Рашидова У.М. Ўзбек тилидаги соматик ибораларнинг семантик-прагматик таҳлили (кўз, қўл ва юрак компонентли иборалар мисолида): Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2018. – 50 б.

³⁴ Файзуллаева Р. К проблеме передачи национального колорита в художественном переводе: Дисс... канд. филол. наук. – Тошкент: ИЯЛ АНРУз, 1972. – 225 с.

³⁵ Шамсиева Б. Вопросы узбекского фольклора в зарубежном литературоведении: Дисс... канд. филол. наук. – Тошкент, 1994. – 207 б.

³⁶ Рўзимбоев Х. Хоразм фольклорининг хорижда ўрганилиши тарихидан: Филол. фан. номз. дисс... автореферати. – Тошкент, 1996. –24 б.

³⁷ Жўраева М. Француз ва ўзбек эртақларида модаллик категориясининг лингвокогнитив, миллий-маданий хусусиятлари: Филология фанлари доктори автореферати. – Тошкент, 2017. – 87 б.

³⁸ Юсупова Ҳ. Ўзбек халқ оғзаки насри намуналарининг инглизча таржималарида миллий колоритнинг ифодаланиши (эртақлар, латифалар мисолида): Филол. фан. номз. дисс. – Тошкент, 2011. – 149 б.

³⁹ Йўлдошев У. Ҳажвий матнлар таржимасининг лингвостилистик ва лингвокультурологик хусусиятлари (инглиз тилига таржима қилинган ўзбек халқ латифалари мисолида): Филол. фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореф. – Тошкент, 2017. – 42 б.

⁴⁰ Касимова Р. Ўзбек тўй ва мотам маросим фольклори матнларининг инглизча таржимасида этнографизмларнинг берилиши: Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. – Тошкент, 2018. – 152 б.

⁴¹ Файзуллаев О. Ўзбек фольклоридаги лингвокультуремаларнинг инглизча таржимада берилиши (болалар фольклори ва эртақлар мисолида): Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. – Тошкент, 2019. – 160 б.

оғзаки бадий ижодига алоқадор кичик жанрлар – мақол, топишмоқ, олқиш, қарғиш кабилардаги соматизмлар ўзи мансуб халқнинг маданиятидан дарак берувчи эстетик ҳодиса сифатида лингвомаданий вербаллашуви нуқтаи назаридан махсус илмий ўрганишни тақозо қилади. Уларнинг тил ва нутқдаги ўзига хос хусусиятларини аниқлаш асосида назариясини яратиш лозим. Бу, аввало, тил, маданият ва шахснинг ўзаро муносабатларини антропологик жиҳатдан ўрганишда, тилшунослик фанида тилнинг миллий-маданий ўзига хослигини англашда, таржимашуносликда эса соматизмлар таржимаси билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишда муҳим аҳамият касб этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация Бухоро давлат университети Хорижий тиллар факультети Инглиз тилшунослиги кафедрасининг “Тилнинг лексик-семантик тизими, қиёсий-типологик изланишлар ва таржимашунослик муаммолари” мавзусидаги илмий тадқиқотлар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади инглиз ва ўзбек тилларидаги соматизмларнинг семантик-прагматик белгиларини фольклорнинг мақол, топишмоқ, олқиш, қарғиш каби жанрлари мисолида асослаш орқали уларнинг тил ва нутқдаги ўрнини, лисоний, миллий-маданий, гендер, денотатив-коннотатив, диахрон-синхрон, стилистик-функционал, когнитив, концептуал табиатини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

соматизмларнинг лексик бирлик сифатидаги моҳияти, таснифи, тил ва нутқдаги ўрни, уларнинг инглиз ва ўзбек тилидаги даврий қатлами, семантик структурасининг тўғри акс эттирилганлигини тадқиқ қилиш;

соматизмларнинг лингвомаданий, этнопсихологик асосларини, маросим ва урф-одатлар номининг, айрим фразеологизмларнинг шаклланишидаги ўрнини очиб бериш;

оғзаки ҳамда ёзма асарларда соматизмлардан фойдаланишнинг анъанавийлиги ва поэтик тадрижини аниқлаш;

ўзбек ва инглиз мақолларининг мавзуй гуруҳларида соматизмларнинг ўрнини, бадий-услубий вазифаларини ўрганиш;

инсон тана аъзолари ҳақидаги инглиз ва ўзбек топишмоқларининг лингвопоэтик хусусиятлари ва уларда соматизмларнинг полисемантик, коннотацион қўлланишини далиллаш;

ўзбек ҳамда инглиз тилларидаги олқиш ва қарғишларда соматизмлар бадий ифодасига хос хусусиятларни конфронтатив очиб бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида инглиз ва ўзбек мақол, топишмоқ, олқиш, қарғиш тўпламлари, фразеологизм луғатларидаги инсон тана аъзоларини ифодаловчи лексик бирликлар – соматизмлар танланган.

Тадқиқотнинг предметини инглиз ва ўзбек мақол, топишмоқ, олқиш, қарғишлари таркибида учрайдиган инсон тана аъзоларини ифодаловчи лексик бирликларнинг семантик-прагматик хусусиятлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида қиёсий-типологик, тавсифий-миқдорий, структур-семантик, математик-статистик, концептуал, контекстуал таҳлил методларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилар билан изоҳланади:

инглиз ва ўзбек халқида инсон тана аъзоларини ифодаловчи луғавий бирликлар – соматизмларнинг тил ва нутқдаги, шакл ва маъно муносабатига кўра шаклдошлик (омонимлик), маънодошлик (синонимлик), антонимлик (зидлик) ҳосил қила олиши каби лексик-семантик, когнитив-прагматик, концептуал-услубий хусусиятлари, диахрон ва синхрон аспектлардаги даврий қатлами аниқланган;

инглиз ва ўзбек мақол, топишмоқ, олқиш, қарғишларида соматизмлар ифодаси билан боғлиқ идеоэтик фикрлаш жараёни тадрижи, соматизмларнинг маросим, урф-одатлар номлари, айрим фразеологизмлар шаклланишидаги шахс тавсифи ёки лирик қахрамоннинг руҳий ҳолати тасвирининг аҳамияти, лингвомаданий, этнопсихологик асослари далилланган;

оғзаки ҳамда ёзма асарларда соматизмлардан фойдаланишнинг анъанавийлиги, поэтик такомилли, денотатив ва коннотатив, гендер, миллий-маданий хусусиятлари, семантик структураси, концептуал талқинига хос макро ва микро семантик майдонлар кўринишидаги типологик ва соматизмларнинг уядошлик, яъни гиперонимлик табиати, тажнис бўлганда омонимлик, тазод бўлганда антонимлик хусусияти намоён бўлиши каби дифференциал белгилар асосланган;

соматизмларнинг инглиз ва ўзбек тилларида семантик жиҳатдан муқобил келиши, фольклорнинг қўшиқ, мақол, топишмоқ, олқиш, қарғиш каби кичик жанрларида ўша жанр табиати билан боғлиқ қўлланиши асосланган;

битта мақол, топишмоқ, олқиш ёки қарғишда бир ёки ундан ортик соматизм синонимлик, антонимлик, омонимлик, гиперонимликда қўлланиши, якка, жуфт, такрор кўринишларда келиши, турли бадий санъатларнинг юзага чиқишида иштирок этиши конфронтатив услубда исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

инглиз ва ўзбек тилларидаги соматизмларнинг семантик-прагматик хусусиятларини ҳамда уларнинг мақол, топишмоқ, олқиш, қарғишлар таркибида лингвопоэтик жиҳатдан қўлланишини, аслиятга мос таржима қилиниш принципларини қиёсий аспектда ўрганиш ва ечимларини аниқлаш орқали чиқарилган хулосалар қиёсий адабиётшунослик, ўзбек фольклоршунослиги, чоғиштира тилшунослик, таржимашунослик, лингвокультурология фанларини янги назарий қарашлар билан бойитиши ва уларнинг ривожини учун фойдали бўлган ўзига хос илмий ёндашувларнинг шаклланишига хизмат қилиши аниқланган;

инглиз ва ўзбек тилларида соматизмларнинг лексик-маъновий, структуравий турлари, уларни ифодалаш билан боғлиқ лингвопоэтик белгилар ўрганилиши ҳар иккала халқ учун хос бўлган луғатлар тузишга кўмак бериши кўрсатиб берилган;

тадқиқотнинг натижалари миллий кадриятларимизнинг бир қисми бўлган фольклор асарларининг лингвопоэтик хусусиятларини, ёш авлод тарбиясидаги ўрни ва имкониятларини далиллашда манба вазифасини бажариши асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги чиқарилган хулосаларнинг қатъийлиги, олинган тадқиқот натижаларининг аниқлиги ва ишончлилиги, ишда қўлланган ёндашув ва тадқиқот усуллари, таҳлил қилинган материал ҳажмининг етарлилиги, мазкур соҳадаги дастлабки изланишларнинг назарий хулосалари ҳамда эришилган янги натижалар диссертациянинг назарий жиҳатига мувофиқлиги, ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўзбек фольклори намуналарининг таржимасини қиёсий ўрганишда, аслият ва таржима орасидаги мазмуний-услубий муштараклик ва индивидуаллик ҳолатларини аниқлашда, бадий таржима жараёнида соматизмларни поэтик ифодалаш йўллариини белгилашда, тўлақонли таржима учун замин яратишда мазкур иш муайян даражада илмий манба бўлиб хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олий таълим муассасаларининг инглиз филологияси, ўзбек филологияси ва хорижий тиллар факультетларида “Таржимашунослик”, “Қиёсий адабиётшунослик”, “Қиёсий типология” “Жаҳон халқлари адабиёти ва фольклори”, “Маданиятлараро мулоқотга ўргатиш” фанлари бўйича махсус курслар ташкиллаштиришда, магистрлик ва докторлик диссертацияларини ёзишда, дарслик, ўқув ва ўқув-усулий қўлланмалар яратишда, соматизмларининг ўзбекча-инглизча изоҳли луғатини тузишда, изоҳли луғатларни такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Соматизмларнинг инглиз ва ўзбек тилларида мақол, топишмоқ, олқиш, қарғиш каби фольклорнинг кичик жанрларини семантик-прагматик тадқиқи бўйича олинган натижалар ва амалий таклифлар асосида:

инглиз ва ўзбек тилларидаги мақол, топишмоқ, олқиш, қарғишларда соматизмларнинг ифодаланиши билан боғлиқ семантик-прагматик хусусиятларни очиб бериш юзасидан олинган илмий натижа ва амалий таклифлар билан боғлиқ илмий хулосалардан ЎзРФА ҚҚБ Қарақалпоқ гуманитар фанлар илмий тадқиқот институтида амалга оширилган ФА-Ф1-005 “Қорақалпоқ фольклоршунослиги ва адабиётшунослиги тарихини тадқиқ этиш” мавзусидаги фундаментал лойиҳани бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2021 йил 05 ноябрдаги 17.01/285 -сон маълумотномаси). Натижада инглиз ва ўзбек мақол, топишмоқ, олқиш, қарғиш жанрлари каби қорақалпоқ халқининг оғзаки ижодидаги кичик жанрларда ҳам соматизмларнинг турли лексик-маъновий, структуравий турлари лингвопоэтик белгиларда намоён бўлиши ҳақида қорақалпоқ фольклоршунослигида яратилган тадқиқотлар тарихи ойдинлаштирилган;

инглиз ва ўзбек тилларидаги соматизмларнинг тил ва нутқдаги ўрнини, семантик-прагматик хусусиятларини фольклорнинг кичик жанрлари мисолида қиёсий аниқлаш, соматизмларнинг лексик-семантик моҳиятини, когнитив-прагматик, денотатив ҳамда коннотатив, диахрон ва синхрон, гендер жиҳатларини ёритиш билан боғлиқ хулосалардан “Ўзбекистонда олий таълим тизими жараёнларини модернизациялаш ва халқаролаштириш” номли инновацион тадқиқотлар лойиҳасини амалга оширишда Европа Иттифоқи томонидан Эрасмус+дастурининг 2016-2018 йилларга мўлжалланган 561624-EPP-1-2015-UK-EPPKA2-SBHE-SP-ERASMUS + SBHE IMEP да фойдаланилган (Самарқанд давлат чет тиллар институтининг 2021 йил 20 ноябрдаги №3105/30.02.01 - сон маълумотномаси). Натижада инглиз ва ўзбек мақол, топишмоқ, олқиш, қарғиш жанрлари бўйича Ўзбекистонда Олий таълим тизими жараёнларини модернизациялаш ва халқаролаштириш”да яратилган тадқиқотлар аниқланган;

инглиз ва ўзбек халқ оғзаки бадиий ижодининг ўзаро ўхшашлиги ва фарқлари, семантик-прагматик тадқиқ жараёнида шу каби тафовутларнинг берилиши, соматизмларнинг тил ва нутқдаги ўрни, семантик-прагматик хусусиятлари фикрнинг қандай мақсадга йўналтирилганлиги билан боғлиқ хулосалардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси Бухоро вилоят телерадиокомпаниясининг “Ассалом, Бухоро”, “Саккизинчи мўъжиза” телекўрсатувлари сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси Бухоро вилоят телерадиокомпаниясининг 2021 йил 25 ноябрдаги 1/308-сонли маълумотномаси). Натижада телетомошабинларнинг китобхонликка қизиқишини оширишда, телекомпания ижодий жамоасининг соҳавий, кенг омма тингловчиларининг лингвокультурологик билимлари бойитилишига, инглиз ва ўзбек тилларини чуқур ўзлаштиришда соматизмларнинг ўрнини, мазмун-моҳиятини, билдирилган фикрни телетомошабинларга мантикий етказишни бойитишга эришилган; мазкур ишнинг илмий натижалари қўлланилиши ушбу телекўрсатув учун тайёрланган материалларнинг мазмуни мукамаллашувига, илмий далилларга бой бўлишига, кўрсатувнинг илмий-оммабоплиги таъминланишига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 26 та, илмий-амалий анжуманда, жумладан, 8 та халқаро ва 18 та республика илмий-амалий конференцияда апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 37 та илмий иш чоп этилган, шулардан, 1 та монография, 2 та луғат, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган нашрларда 11 та илмий мақола, жумладан, 5 та республика ва 6 таси халқаро журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, беш боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 228 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг “**Кириш**” қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи берилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, ишнинг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, мақсади, вазифалари, объекти, предмети, методлари, илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, апробацияси, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр қилинган ишлар, диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “**Соматизмларнинг лексик бирлик сифатидаги моҳияти ва таснифи**” деб номланган биринчи бобида соматизмларнинг тил ва нутқдаги ўрни, инглиз ва ўзбек соматизмларининг даврий қатлами ҳамда семантик структураси таҳлил қилинган, бу борадаги назарий қарашларга шарҳлар келтирилган, муносабат билдирилган.

Маълумки, соматизмлар – инсон тана аъзоларининг номларини ўзида акс эттирувчи лексик бирликлардир. Улар мустақил маъно англатувчи отлар сифатида шу туркум доирасида ўрганилади ва ҳар бир тилнинг ички тил категориясига алоқадор ҳисобланади. Асосан, отларга хос сўроқ, грамматик кўрсаткичлар, яъни эгалик ва келишиқ кўшимчаларини қабул қилиб келиб, отлар каби предмет тушунчасини англатиб, турланади. Аниқ отлар сифатида намоён бўлади.

Барча тиллардаги соматик сўзлар умумлаштирилган ҳолда “*сомонимик сўзлар*”, уларни ўрганувчи тилшунослик бўлими “*Сомонимия*” деб юритилади. “Сомонимия” деганда, чоғиштирилаётган тиллардаги соматик сўзларнинг энг катта қисми тушунилади. Улар инсон тана қисмларининг жойлашувини англаш учун хизмат қилади. 1. Бош ва унинг қисмлари номлари. 2. Бўйин ва томоқ қисм аъзолари. 3. Остеонемик сўзлар (бундай сўзлар соҳасига инсон танасидаги суяк ва бўғинларни ифодаловчи сўзлар киради. Улар, ўз навбатида, яна бутун инсон танасининг *скелет тизими номларини, бош суяк, магистрал суяк, пастки қўл-оёқ суяқларининг номларини* ўз таркибига қамраб олади). 4. Юқори қўл қисми номлари. 5. Пастки қўл қисми номлари. 6. Кўкрак қисми номлари. 7. Бел қисми номлари. 8. Белдан паст қисм номлари. 9. Оёқ қисм номлари. Буларнинг ҳаммаси барча халқларнинг тил тизимида яхлит система кўринишида яшаб келмоқда. Шу тарзда соматизмларнинг макро ва микро майдони миқёсини тасаввур қилиш ва англаш мумкин.

Соматизмлар ўз таркибига остеонемик сўзлар қаторида спланхнонимик сўзларни ҳам қамраб олади. Бундай сўзлар инсон организмидаги ички аъзоларни номлаш учун ишлатилиши маълум. *Спланхнонимик сўзлар инсоннинг ички органлари, овқат ҳазм қилиш, нафас олиш, сийдик йўли органларининг* номларидан иборатдир. *Сийдик* ва *ҳаво чиқариш йўли*

органларининг номи тилда вульгар сўз сифатида яшайди ва кўпинча нутқда кенг қўлланмайди. Ангеонимик, яъни инсон қон айланиш тизимига дахлдор органлар номини ифодалаш учун ишлатиладиган сўзлар ҳам соматизмлар таркибига киради. Масалан, *аорта*, *капилляр* каби. Яна сенсонимик луғатни ҳосил қилувчи, инсон танасининг сезги аъзоларини ифодалашга хизмат қиладиган бурун, димоқ, ўпка сингари сўзлар ҳам борки, умуман айтганда, юқорида номлари қайд қилинган сўзлар каби булар инглиз ва ўзбек тилларининг соматик луғат тизимида энг кичик қисмни ташкил қилади. Улар соматизм макро майдонининг кичик лексик-семантик микро майдонларини ҳосил қилади.

Инсон тана аъзоларини ифодаловчи сўзлар шакл ва маъно муносабатига кўра шаклдошлик (омонимлик), маънодошлик (синонимлик), антонимлик (зидлик) ҳосил қила олади. Масалан, ўзбек тилида соматизмларнинг антонимик жуфтлигини “*бош-оёқ*” сўзлари жуфтлиги мисолида кузатиш мумкин. Ўзбек халқи орасида бу жуфтлик кўпинча “*бош-оёқ сарпо*” бирикмаси таркибида кенг қўлланиши кузатилади.

Инсон тана аъзоларини ифодаловчи сўзлар антонимик жуфтлик ҳам ҳосил қила олади: *бош-оёқ* каби. *Бош-оёқ* сўзларини жуфтликда ишлатиш ҳолати инглиз тилига ҳам хосдир. Масалан: *head-foot, hand-to-toe*.

Шунингдек, ўзбек тилида инсон тана аъзоларини ифодаловчи *юз* сўзи рақам маъносида сон сўз туркуми доирасида ҳам ишлатилади. Бунда уларнинг ўзаро омонимлик (шаклдошлик) ҳосил қилиши кузатилади.

Қизиғи шундаки, инсон танасининг касалликларини ва бу касалликларнинг намоён бўлишини кўрсатувчи органларнинг номларини билдирувчи сўзлар ҳам алоҳида эътиборни тортади. Бундан англашиладики, соматик сўзлар луғат таркиби инсон тана аъзоларининг қисмлари, яъни бу борадаги номинация объектларининг доимий сонига (масалан, *икки оёқ, икки қўл, икки қулоқ, икки кўз, икки ёноқ, икки лаб, икки қош, икки елка, бир бош, бир тил, бир оғиз* ва ҳоказо каби) ҳамда уларнинг белги-хусусиятига қараб аталадиган лексик бирликлар сифатида ўзига хос ажратилган мажмуа тизимини ташкил этади.

Соматизмлар бадий нутқда инсон тана аъзоларига нисбатан амал қилувчи табулар туфайли айрим гулларнинг номи билан ҳам ифодаланиб келади. Масалан, *соч* учун кўпинча *сумбул*, *кўз* учун *нарғиз* сўзлари поэтик синоним сифатида ўзбек мумтоз ва замонавий шеъриясида кенг қўлланиши кузатилади.

Соматизмларда диахрон ва синхрон, гендер кирралар алоҳида эътиборни тортadиган масалалардан биридир. Инсон тана аъзоларидан айримлари, хусусан, унинг жинсини фарқлашга хизмат қиладиган тана қисмларининг номлари тилда вульгар сўз сифатида келтириладики, шунинг учун уларнинг номи бадий асарларда очиқ-ошқора қўлланилмайди. Этика нуқтаи назаридан бунга рухсат этилмайди. Лекин М.Кошғарийнинг “Девон ул-луғатит турк” китобида инсон жинсини англаиб келадиган айрим соматизмлар келтирилган: *жигач – эр киши олати, жамис – икки соннинг икки ёни – чов, соннинг бошлари, икки соннинг бош томонлари, жарик – ёрик – икки соннинг бир-бирига туташган, бир-биридан айриладиган устки қисми,*

бош қисми. Жариқ, яъни ёриқ сўзи нарса ёрилди, айрилди гапидаги ёрилди сўзидан олингандир. Икки оёқнинг бири ўнгга, иккинчиси чапга айрилганидир. *Жаж* сўзи думба дегани бўлиб, фақат инсон думбасига нисбатан қўлланилади⁴². Ушбу манбада шундай соматизмлар келтирилганки, улар бадий нутқнинг на оғзаки, на ёзма шаклида учрайди. Хусусан, бундай соматизмлар фольклорнинг биз ўрганаётган энг кичик жанрлари – топишмоқ, мақол, қарғиш, олқишларда умуман ишлатилмаган. Масалан, Маҳмуд Қошғарийнинг “Девони луғатит турк” китобида номи тилга олинган *жамур*, яъни *кўричак* сўзи бирорта олқиш, қарғиш, топишмоқ ва мақолларда кузатилмади. Маълумки инсон қулоғи, кўринишига кўра, баъзи инсонларда бежирим, бенуқсон, ихчам бўлса, айрим инсонларда нуқсонли кўринади. Шунга кўра, қулоқ соматизми семантик майдонида *шалпангқулоқ*, *карқулоқ*, *ёртиқулоқ*, *чурриқулоқ* каби соматизмлар учрайди. “Девон ул-луғатит турк”да *шалпангқулоқ* сўзи *жаприқулоқ* кўринишида берилган⁴³.

Диссертациянинг “**Соматизмларнинг лингвомаданий, этнопсихологик асослари**” деб номланган иккинчи бобида маросим ва урф-одатлар номининг шакллантирилишида соматизмларнинг қўлланиши ва оғзаки ва ёзма асарларда соматизмлардан фойдаланишнинг анъанавийлиги ва поэтик тадрижи таҳлилга тортилган.

Барча халқларнинг тилида туғилиш, бола парвариши, уйланиш, оила қуриш билан боғлиқ тўй, ўлим ҳодисасига алоқадор мотам маросими ва уларга дахлдор турли-туман урф-одатларнинг номи шаклланишида соматизмларнинг алоҳида ўрни ва таъсири борлиги кузатилади. Лекин бу ҳақда ҳалигача махсус тадқиқотлар яратилмаган.

Маросим ва урф-одатлар номининг шакллантирилишида соматизмларнинг халқ маданий ҳаёти, миллий психологияси таъсирида қўлланиши англашилиб туради. Буни ҳар бир халқнинг маросим ва урф-одатлари номида соматизмларнинг фаол қўллангани ҳам далиллайди. Масалан, болалар ҳаёти билан боғлиқ “*Соч тўйи*”, “*Тиш тўйи*”, “*Оёқ босди*” ёки “*Оёқ чиқарди*”, Суннат тўйига оид “*Кўлини ҳалоллаш*”, “*Қулоқ чўзма*”, никоҳ тўйи билан боғлиқ “*Оёқ босди*”, “*Кўл ушлатар*”, “*Соч сийпатар*”, “*Юз очди*”, “*Бошини боғламоқ*” ва ҳоказолар шулар жумласидандир.

Соматизм+сув таркибли “*оғзидан суви оқмоқ*” (бирор-бир егуликка ҳаваси, суки кетиши), соматизм+тупроқ таркибли “*Ватан тупроғига оёқ қўймоқ*” (Ватанга қайтмоқ), “*кўзига тупроқ сочмоқ*” (алдамоқ), соматизм+ҳаво таркибли “*бурни ҳаво олган*” (гердайган) иборалар инсоннинг тирикчилиги учун зарур бўлган тўрт унсур: *сув*, *ҳаво*, *тупроқ*, *олов* номи билан боғлаб шакллантирилгани жиҳатидан алоҳида диққатни тортади.

Халқ орасида соматизмлар иштирокида пайдо бўлган антропонимлар (Бошбек, Жонибек, Жониқул, Холбой, Қўлдош, Менгли, Панжи), лақаблар (Қулоқбой – гап пойловчи, Қоринбой – семиз, бесўнақай баднавс киши), овқат номи, яъни этнографизм ёки лингвокультурема (бешбармоқ) ҳам

⁴² Қошғарий М. Девону луғотит турк. 3 жилдлик. 1-жилд. – Т.: Фан, 1963. – Б.12-14.

⁴³ Ўша асар. – Б.19.

мавжуд. “*Бешбармоқ*” бармоқ билан боғлиқ таом номи бўлиб, у қозоқ халқининг сеvimли миллий таомидир.

Соматизмлардан бадий мақсадларда фойдаланиш фольклордан бошланган. Соматизмлар бадий ижодда кўпинча шахс тавсифи ёки лирик қахрамоннинг рухий ҳолати тасвири учун ишлатилган.

Соматизмларнинг шахс тавсифида қўлланиши Махмуд Кошғарийнинг “*Девон ул-луғотит турк*” китобида келтирилган халқ кўшиқларидаёқ учрайди:

Бунлар мени *улас* кўз,
Қара менгиз, қизил юз.
Андин тамар тугал *туз*,
Булнар жана ул қачар.

Мазмуни: Бу маст (сузук) кўзли (севиклигим) порлоқ юзидаги ёқимли қора холи билан мени асир қилади. Худди (гўзал) ёноқларидан ширинлик томаётгандай мени асир қилади-да, сўнг меңдан қочади.

Келинни куёвниқига узатиш кўшиғи бўлган ёр-ёрларда, одатда, келин-куёв таъриф-тавсифи учун соматизм иштирок этган мисралар кўплаб келтирилгани кузатилади.

Мотам маросими жараёнида қариндошидан ажралганлар яқинининг хотираси учун “жигарим” мурожати билан йиғи қилишади. Бунда *жигар* соматизмидан истиора сифатида фойдаланилади. Ёки эр хотини ўлимида йиғи кўшиғини айтар экан, рафиқасининг саранжом-сарипта, пазанда, эпчил, меҳрибон ва ғамхўрлигини қуйидагича очиб беради:

Қўлларинг дастурхон-сачоқли.
Узун бўйли, кенг қучоқли,
*Севиб олган қора кўзим, хўш энди*⁴⁴.

Эски ўзбек тилида, шеърини кўринишда, аруз вазнида яратилган Алишер Навоий ғазалларида ҳам соматизмларнинг турли бадий маъноларда қўллангани кўзга ташланади. Шоир ғазалларини аслиятга мувофиқ таржима қилиш жуда мураккаб бўлса-да, улардан айримлари бир қатор хорижий тилларга таржима қилинган. Агар уларда қўлланилган соматизмларнинг – инсон тана аъзолари номининг таржимада сақланиши ва берилиши махсус кузатилса, уларнинг таржимаси ҳам ўзига хос хусусиятлар касб этиши англашилади.

Кўкрагимдур субўнинг пироханидин чокрок,
*Кирпиким шабнам тўкилган сабзадан намнокрок*⁴⁵.

Байтда қўлланган киприк сўзи инсоннинг бош қисмидаги аъзоларидан бирининг номи бўлиб, кўз қовоқлари четида қатор жойлашган тукларни англатади. Киприк кўринишига кўра қуюк ёки сийрак, узун ёки калта, қайрилма, ўсиқ, сурмали тарзида сифатланади. Эски ўзбек тилида “*киприк*” сўзи метатеза асосида, яъни таркибидаги товушларнинг ўрнини алмаштириш орқали “*кирпик*” тарзида талаффуз қилинган ва ишлатилган. Шунинг учун Навоий ғазалида ҳам “*кирпик*” сўзи қўлланган. Шоир киприкни сабзага

⁴⁴ Бўзлардан учган ғазал-ай. – Бухоро: Бухоро нашриёти, 2004. – Б.81.

⁴⁵ Навоий Алишер. Кўкрагимдур... / Жаҳон адабиёти. Адабий-бадий, ижтимоий-публицистик журнал. – № 3/226, 2016, март. – Б.3, 5, 6.

(нозик ниҳолга) ўхшатган. Кейинги мисраларда такрорнинг олдини олиш мақсадида киприк сўзи ўрнида мужгон сўзини ишлатган:

*Уйла мужгон ханжарига ёпишибдур дурри ашк –
Ким, магар андин ятиме йўқтурур бебокрок.*

Шу байтнинг инглизча таржимасини Н.Қамбаров қуйидагича амалга оширган:

*My heart is torn like a dress of morning,
And my eye-lashes are wetter than the grass dew.*

Байтнинг инглизча таржимасида сўзма-сўз таржима усулидан фойдаланган. Таржимон кўкрак сўзини инглиз тилида *heart* сўзи билан бериши натижасида унинг аслиятдаги кўчма маъносини сақлаб қолишга муваффақ бўлган. Киприklar сўзи эса *eye-lashes* сўзлари билан ифода этилган. Натижада аслият билан таржимада қўлланган сўзларнинг тузилишига кўра кўриниши ўзгаришга учраган. Аслиятда қўлланган содда туб сўз таржимада кўшма сўз билан ўрин алмашган.

Диссертациянинг “**Ўзбек ва инглиз мақолларида соматизмларнинг қўлланиши**” деб номланган учинчи бобида мақолларнинг мавзуй гуруҳларида соматизмларнинг ўрни, мақолларда соматизмларнинг бадий-услубий вазифалари ўрганилган.

Мақоллар инглиз ва ўзбек фольклорининг оммавий, кенг тарқалган, қадимий анъанавий жанрларидан бири бўлиб, уларда соматизмларнинг иштироки алоҳида эътиборни тортади. Масалан, бирдамлик ва худбинлик мазунини ифодалаб келган қуйидаги мақолда ўзбек тилидаги бош соматизмининг шевадаги синоними бўлган *калла* сўзидан фойдаланилган. *Бир калла – калла, Икки калла – тилла.* Худди шундай мазмундаги мақол инглиз тилида ҳам мавжуд: “*Two heads are better than one*”. – *Таржимаси: “Бир калладан икки калла яхшироқ”.* Лекин кўпинча ўзбек мақолларида *калла* сўзига нисбатан *бош* сўзидан кўпроқ фойдаланилганлигига гувоҳ бўлиш мумкин. Бизнингча, бунга бош соматизмининг доминантлиги сабабдир: *Бешинг боши бўлма, Олтининг боши бўл.* Қуйидаги инглизча мақолда “*боши бўлмақ*” ибораси инсонларга эмас, ҳайвонлар номига боғлаб, кўчма маънода ишлатилгани билан эътиборни тортади: “*Better the head of the dog than the tail of the lion*”. – *Таржимаси: “Шернинг думи бўлгунча, итнинг боши бўлган яхшироқ”.*

“Девонул луғатит-турк” асарида қадимги туркий мақоллардан намуналар келтирилган. Улар орасида соматизм таркибли мақоллар ҳам учрайди: “*Эрик (тиришқоқ) эрни яглиг, эрмагу (эринчоқ) баши қанлиг*”, “*Кузаку (косов) узун ўлса, алик (қўл) куймас*”, “*Табуз таш жарар, таш башиг жарар*”, “*Эрдам (одобнинг) баши тил*”, “*Атаси, анаси ачиг алимла жеса, ўгли-қизи тиши қамар*”, “*Эзгу эр сўнеки (суяги) эрир, ати қалур*”.

Меҳнат қилиш ва иш битиришда, асосан, инсон ўз қўл кучига таянади, шунинг учун меҳнат ҳақидаги мақолларда қўл сўзининг ўрни ва маъносига алоҳида урғу қаратилиши аёнлашади. *Меҳнат қилсанг қирга, Қарам бўлмассан қўлга. The best helping hand is at the end of your sleeve.* Таржимаси: “*Энг яхши ёрдам қўли енгнинг учида*”.

Халоллик, меҳнатсеварлик фазилатига текинхўрлик, порахўрлик иллатлари зид кўйилиб яратилган мақолларда бел соматизми воситасида “Бели оғримаганнинг нон ейишини кўр” дея киноя қилинса, текинхўрликни фош этиш учун “бировнинг қўли” ибораси қўлланади ва у ҳам мақоллар таркибида келади: “Бировнинг қўли билан тикан юлиш осон”.

Очкўзлик ҳақидаги ўзбекча ва инглизча мақолларда тиш соматизмидан фойдаланилганлигига гувоҳ бўлиш мумкин: *Greedy eater dig their caves with their teeth*. Таржимаси: “Очкўзлар гўрларини ўз тишлари билан қазарлар”.

Ўзбек тилида: “Суйдирган ҳам тил, куйдирган ҳам тил” ёки “Севдирган ҳам тил, бездирган ҳам тил” дейилса, инглиз тилида: “*The tongue that loves and the tongue that burns*”. – Таржимаси: “Севдирувчи ҳам, куйдирувчи ҳам тил” дейилган. Кўриняптики, бу мақолларнинг мазмуни бир хил. Бундай мақолларда тил сўзи гоҳ “*the tongue*”, “*the language*” кўринишида ўзаро синоним сифатида берилади: “*The tongue is poisonous the language is sweet*” (“Тил заҳарли, тил ширин”). “*Language is mind decoration*” (“Тил ақлнинг безагидир”).

Дўстлик ва душманлик ҳақидаги мақолларда энг кўп бош, оёқ, қош, юз, қулоқ, бўйин, юрак, ўпка, қорин, нўст (тери) соматизмлари қўлланилиши кузатилади: “Дўст юзидан билинар, душман – изидан”, “Дўст юзингга боқар, душман – изингга”, (“*In the footsteps of an enemy known from the face of a friend*”) каби ва ҳоказо.

Аҳмоқ, нодон образи ақлли ва доно образига зид келтирилиб яратилган қуйидаги инглизча мақоллар таркибида “қўлини олмоқ”, “оғзини очмоқ” ибораларидан фойдаланилган: “*Man a one for land takes a fool by the hand*”). – Таржимаси: “Ер учун аҳмоқнинг қўлини олади”. “*Better to be thought a fool, than to open your mouth and remove all doubt*”. – Таржимаси: “Оғзингизни очиб, барча суҳбатларни йўқ қилганингдан кўра, сени аҳмоқ деб ўйлашлари яхшироқдир”.

Илм, касб-ҳунар ва илмсизлик ҳақидаги мақолларда билак, қўл, бармоқ, оғиз соматизмларининг ўрни ҳам яққол кўриниб туради. Улар ё сўз, ё ибора компоненти сифатида қўлланиб келиши кузатилади: “*Билаги зўр бирни йиқар, Билими зўр – мингни*”, “*Баракат – мағизда, Ҳунарли қўл – оғизда*”, “*Ўқиган тишлар, ўқимаган бармогин тишлар*” каби.

“*Бир қўл*” тушунчаси инглиз мақолларида ҳам учрайди. У гоҳ “*One hand*” бирикмаси билан, ё “*a hand*” ноаниқлик шакли билан қўлланиб келади. Буни мақоллар мисолида яққол кузатиш мумкин: “*One hand has no sound*”. – Таржимаси: “*Бир қўлдан садо чиқмас*”.

Ўзбек тилидаги “*Қарс икки қўлдан чиқар*” мақоли унинг муқобили сифатида кузатилади. Лекин унинг айнан муқобили “*You can't clap with one hand*” (“*Бир қўл билан қарсак чалолмайсан*”) мақолидир.

Умуман айтганда, бундай мақолларни кўплаб мисол келтириш мумкин. Улардаги *беташиши бош, ишсиз бош, ошсиз бош, меҳнатсиз билак, гайратсиз билак, оқ қўл, куч қўл* каби сифат билан бирга келган сифатланмиш характеридаги соматизмлар, сифатловчи сифатланмиш кўринишидаги соматизм таркибли бирикмалардир. Сифат билан бирикиб келиб, сифатловчи сифатланмиш кўринишидаги соматизм таркибли сўз бирикмалари ҳосил

бўлгани ва мақолларда қўлланиб келиши инглиз тилида ҳам кузатилади. Жумладан: *An empty hand gets the easiest sleep*. Таржимаси: “Бўш қўл осон уйқу топади. Ёки: *Empty hand is not licked*. Бўш қўл билан ҳеч нарсага эришмайсан. *Devil finds work for idle hands to do*. Таржимаси: “Шайтон бекорчи қўлларга иш топади”. *Idle hands are devil's workshop*. Таржимаси: “Бўш қўллар шайтоннинг устахонасидир”.

Диссертациянинг “Инглиз ва ўзбек топишмоқларида соматизмлар” деб номланган тўртинчи бобида инсон тана аъзолари ҳақидаги топишмоқларнинг лингвопоэтик хусусиятлари ва топишмоқларда соматизмларнинг полисемияси ўрганилган.

Маълумки, топишмоқлар дунё халқлари фольклорида мавжуд умумфольклор жанрларидан бири бўлгани учун уларда соматизмларнинг ифодаланишида бир хилликлар мавжудлиги кузатилади. Бунда кўпинча метафорик кўчимларнинг умумийлиги, ўхшашлиги эътиборни тортади. Таркибида соматизмлар бор-йўқлигига қараб ёки ўзи соматизм ҳақида яратилган топишмоқ эканлигига кўра, топишмоқларни учга бўлиб ўрганиш мумкин: 1. Муайян соматизм яширинган топишмоқлар. 2. Таркибида соматизм берилган топишмоқлар. 3. Таркибида соматизм учрамайдиган топишмоқлар. Худди шундай ҳолат инглиз топишмоқларида ҳам кузатилади. Инглиз тилида топишмоқ атамаси “Riddles” деб юритилади. Қолаверса, инглиз тилида айрим топишмоқларнинг бевосита “Riddles me, riddles me”, яъни “Мени топ, мени топ” деган чорлов, даъват билан бошланиши алоҳида эътиборни тортади:

*Riddles me, riddles me, what is that
Over the head and under the hat?*

Ушбу топишмоқда “head”/ бош ҳамда “hat” / шляпа (бош кийими) номларининг тилга олинаётгани яширинган нарса номи “hair” / соч эканига ишора қилиб турибди.

Айрим соматик номларга табуистик муносабат топишмоқларда ёрқин кўзга ташланади. Жумладан, инсон тана аъзоларининг номини очик-ошкора айтмаслик табуси уларни топишмоқларда турли кўринишда айтишни келтириб чиқарган. Бу эса халқ топишмоқларнинг қадимда ўзгача аҳамиятга эга бўлганлигини англатади.

Маълумки, топишмоқлар бир предметли ёки кўп предметли бўлади. Топишмоқлар орасида бир соматизм асосида яратилган бир неча топишмоқ вариантлари ҳам учрайди. Худди шунингдек, битта топишмоқда бир соматизм ёки бирдан ортиқ соматизм учраши мумкин. Масалан:

*Бир тўбада етти тешик.
(Бош, оғиз, бурун, кўз ва қулоқ).
There are 7 holes in a ball.
(Head, mouth, nose, eye, ear).*

Бунда бошдан бошқасида тешик борлигига диққат қаратилган. Лекин тешикнинг еттита экани кишини ўйловга солади. Еттита ҳисоби оғизнинг бир, бурун, кўз ва қулоқнинг иккитадан жами олти – ҳаммаси бўлиб, ҳақиқатдан ҳам, етти тешикдан иборат эканини англатади. Бошга нисбатан *бир тўба* сифатловчи бирикмаси ишлатилган.

Қулоқ ҳақидаги топишмоқларда ҳам кўпинча “тешик” сўзи алоҳида ўрин эгаллайди. Бу билан кулоқнинг тешиги бўлиши унга хос асосий белги экани ёдга солинади. Масалан: *Бир тешикда ҳамма олам. (Қулоқ). / A Whole world in one hole. (Ear).*

Оғиз ҳақидаги топишмоқлар ҳам ҳар иккала халқда мавжуд. Инглизларнинг шундай айрим топишмоқлари “Содда сўроқ гап шаклида қурилгани кузатилади”: *“What does the “m” in “wom” stand for?” (Mouth).*

Бармоқлар ҳақидаги топишмоқларда бармоқнинг бешта эканига алоҳида эътибор қаратилади. *Катта-кичик беш ўртоқ, Уюшса бўлар тўқмоқ. (Бармоқлар).* Бармоқлар ҳақида топишмоқ инглиз халқида ҳам мавжуд: *“Long and thin red within, with a nail at the end”. (Fingers).*

Инглиз ва ўзбек топишмоқлари мазмунан ва шаклан яқинлик касб этишида уларда қўлланган соматизмларнинг алоҳида ўрни бор. Топишмоқларда соматизмларнинг гоҳ ўз, гоҳ кўчма маънода келиши кузатилади. Топишмоқлар бир ёки бир неча соматизм иштирокида шаклланган бўлиши билан эътиборни тортади.

Топишмоқлар яратилиш даврига кўра иккига бўлиниши маълум: 1. Анъанавий топишмоқлар. 2. Янги топишмоқлар⁴⁶.

*Шамолдай учқур,
Йўқ оёғи ва қўли.
Кўзга кўринмас,
Чарогон юрган йўли. (Электр токи).*

Ушбу топишмоқда бирданига учта соматизмдан фойдаланилган. Булар *оёқ, қўл, кўз* соматизмларидир. Лекин магнитофон ҳақидаги ўзбек ва инглиз топишмоқларида қўл ва тил соматизмларидан фойдаланилган, чунки унинг асосий белгиси қўлсиз ёзиши ҳамда тилсиз сўзлашидир. Масалан: *“Жонсиз, тинглайди, Қўлсиз, ёзади, Тилсиз, сўзлайди. (Магнитофон)/ “It can listen but is dead, also writes but no arm, and can speak without tongue”.*

Диссертациянинг **“Ўзбек ва инглиз тилларидаги олқиш ва қарғишларда соматизмлар”** деб номланган бешинчи бобида олқишларда соматизмларнинг бадиий ифодаси ва қарғишларда соматизмларнинг поэтик ифодаси таҳлилга тортилган.

